

**Abdulatif A. ALLOQULOV,**  
Head of the Maturidiyya Studies  
Department of the Imam Maturidi  
International Scientific Research Center:  
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [alloqulovabdullatif@gmail.com](mailto:alloqulovabdullatif@gmail.com)

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/3/3

**XII–XIII ASRLAR MOTURIDIYLIK  
TAʼLIMOTIGA OID MANBALARDA  
“ИМОН” ТУШУНЧАСИНИНГ  
ЎРИТИЛИШИ**

**EXPLANATION OF THE CONCEPT  
OF “FAITH” IN THE SOURCES OF THE  
DOCTRINE OF MATURIDIYYA WRITTEN  
IN THE XII–XIII CENTURIES**

**ОБЪЯСНЕНИЕ ПОНЯТИЯ “ВЕРА”  
В ИСТОЧНИКАХ, СВЯЗАННЫХ  
С УЧЕНИЕМ МАТУРИДИЗМА  
XII–XIII ВЕКОВ**

**КИРИШ.**

إيمان [ийманун] “тасдиқлаш” (Абул Муин Насафий, 2011) сўзи آمن [амана] “тасдиқлади” феълининг масдари бўлиб, у тўртинчи бобда бир ёки икки мафъул (тўлдирувчи)га ўтимли бўлади. Масалан, “Зайдни тасдиқладим” жумласи араб тилида آمنت زيدا [аманту Зайдан] бўлади. “Зайдга Амрни тасдиқладим” жумласи эса, араб тилида آمنت زيدا عمروا [аманту Зайдан Амрон] шаклида ифодаланади.

“Имон” сўзининг луғавий маъноси бора-сида XII–XIII асрларда яшаб ижод қилган мовароуннаҳрлик мутакаллимлардан Абул Муин Насафий (ваф. 508/1114), Абу Сано Маҳмуд ибн Зайд Ломиший (ваф. VI/XII асрнинг биринчи ярми), Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулхамид Усмандий (ваф. 552/1157), Жалолиддин Умар ибн Муҳаммад Хаббозий (ваф. 691/1291), Шамсиддин Самарқандий (ваф. 705/1305), Абул Баракот Насафий (ваф. 710/1310), Хусомиддин Хусайн ибн Али Сиғнокий (ваф. 714/1314) каби олимлар баҳс юритганлар. Бироқ Саффор Бухорий (ваф. 534/1139), Али ибн Усмон Ўший (ваф. 575/1179), Абу Бакр Косоний (ваф. 587/1191), Нуриддин Собуний (ваф. 580/1184), Абу Муҳаммад Рукниддин Убайдулло ибн Муҳаммад Самарқандий (ваф. 701/1301)лар ўзларининг ақида илмига оид асарларида “имон”

сўзининг луғавий маъносига тўхталмаганлар (Саффор Бухорий, 2011).

Бундан маълум бўладики, айрим олимлар ўзларининг ақида соҳасига бағишланган асарларида “имон” сўзининг луғавий маъносига тўхталиш орқали, унинг истилоҳий маъноси билан боғлиқлик жихатини кўрсатиб беришга уринган бўлсалар-да, бошқа олимлар унинг фақат истилоҳий маъноси билангина чекланганлар.

Бу феъл ўзи мустақил ёки предлоглар билан ҳам ўтимли бўлиши мумкин. Масалан, وَأَمَّنْهُمْ مِنْ خَوْفٍ [ва аманаҳум мин хавфин] “**ва хавф** (ва хатар) **дан хотиржам қилди**” (Қурайш сураси, 4-) оятида “амана” феъли ўзи мустақил ўтимли бўлган. У “ба” ва “лам” ҳарфлари билан ҳам ўтимли бўлади. “Ба” ҳарфи билан ўтимли бўлишига қуйидаги оятни мисол қилиб келтириш мумкин:

أَمَّنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ

“**Пайғамбар унга ўз Раббидан туширилган нарсага имон келтирди ва мўминлар ҳам**” (Бақара сураси, 285-оят).

“Амана” феъли “лам” ҳарфи билан ўтимли бўлса, у “тасдиқ қилиш” маъносида бўлади:

لَنْ نُؤْمِنَ لَكَ حَتَّىٰ تَرَىٰ اللَّهَ جَهْرَةً

“**Эй Мусо, Аллохни очиқ-равшан кўрма-гуниимизча сенга ишонмаймиз**” (Бақара сураси, 55-оят).

**АСОСИЙ ҚИСМ**

“Имон” сўзининг истилоҳий маъноси бора-сида тарихда турли қарашлар илгари сурилган. Жумладан, Имом Молик (ваф. 179/795), Имом Шофеий (ваф. 204/820), Имом Авзойи (ваф. 157/774) ва муҳаддислардан Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 241/855), Исҳок ибн Роҳавайх (ваф. 238/853), Суфён Саврий (ваф. 161/778), Довуд ибн Али Исфаҳоний (ваф. 270/884), мутакаллимлардан Ҳорис ибн Асад Муҳосибий (ваф. 243/857), Абул Аббос Қалонисий (ваф. IX асрнинг бошлари), Ибн Али Сақафий (ваф. 328/940), Ибн Ҳазм Андалусий (ваф. 406/1064)лар: “Имон – қалб маърифати, тил иқрори ва арконларга амал қилишдир”, деганлар (Абул Муин Насафий, 2011). Абул Баракот Насафий мазкур олимларнинг имонга берган таърифларидаги “қалб маърифати” ибораси ўрнига “қалб тасдиғи” атамасини қўллаган (Абул Баракот Насафий, 2011). Бироқ, салафлар ўз замоналарида

**Аннотация.** Имон ва унга тегишли масалалар Қуръон ва ҳадисда содда, тушунарли тарзда баён қилиб берилган бўлиб, саҳобалар даврида у мураккаб хусусиятга эга бўлмаган. Бироқ кейинги даврларда турли оқимларнинг пайдо бўлиши, турли дин вакилларининг исломга кириши, юнон фалсафаси тарқалган ҳудудларда ислом динининг тарқалиши натижасида “имон” сўзининг истилоҳий таърифидан тортиб, унга тегишли барча масалалар мураккаблаштирилиб таҳлил қилинган. Бу, ўз навбатида, “такфир” масаласининг ўртага чиқишига замин яратган.

Мақолада аҳли сунна валжамоа уламоларининг имонга берган таърифи, хорижийлик ва муътазиллик вакилларининг талқини, аҳли ҳадислар, шофеийлар томонидан имонга берилган таърифнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлилий тадқиқ қилинган. Шунингдек, мақолада мотуридийлик таълимот вакиллари ҳамда муржсийлар томонидан имонга берилган таърифнинг ўхшаши ва фарқли жиҳатлари ўрганилган. Аҳли ҳадисларнинг имонга берган таърифи билан шофеийлар томонидан берилган таърифдаги ўхшашлик ва фарқли ўринлари таҳлил қилинган.

“Имоннинг зиёда бўлиши”, “амал имоннинг таркибий қисми ёки эмаслиги” каби масалалар мотуридийлик ва ашъарийлик таълимотлари орасида ўзаро қийслаб ўрганилган ҳамда мазкур масалаларнинг тарихий жиҳатлари ёритилган. Умуман олиб қараганда, мақолада бугунги кунда пайдо бўлган турли оқимларнинг имон борасидаги қарашлари тарихий илдизлари билан асосли равишда очиб берилган. Шунингдек, унда мотуридийлик манбаларининг ақида мавзуларини ёритишидаги услубияти, ривожланиши босқичлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** имон, ақида, калом, имонда истисно, имоннинг зиёда ва нуқсонли бўлиши, имон камайиб-кўпайиб туриши, амал, амал имоннинг таркибий қисми.

**Abstract.** Faith and issues related to it are explained in a simple and understandable way in the Qur'an and hadith, and it was not complicated in the time of the Companions. However, in the later periods, as a result of the emergence of different currents, the conversion of representatives of different religions to Islam, and the penetration of Islam into the regions where Greek philosophy was spread, all faith-related issues, starting from the definition of the word "faith" were analyzed in a complicated way. This, in turn, created the basis for the emergence of the issue of takfir.

In the article, the definition of faith given by the imams of the people of Sunnah, the interpretation of the Kharijites and Mu'tazilites, the specific characteristics of the definition of faith given by the people of hadith, and the Shafi'is are analytically studied. Also, the article examines the similarities and differences between the definition given to faith by the doctrine of Maturidiyya and the definition given by the Murjiis. The similarities and differences between the definition of faith given by the Ahl al-Hadith and the Shafi'is were analyzed.

Issues such as "increasing of faith", "whether action is a component of faith or not" were compared among the doctrines of Maturidiyya and Ash'ariyya, and the historical aspects of these issues were studied. In general, the article reveals the views on faith by the various sects that have emerged today, together with their historical roots. It also analyzes the methodology of Maturidiyya sources in covering the topics of creed and its stages of development.

**Keywords:** faith, creed, kalam, exception in faith, increase and deficiency of faith, decrease and increase of faith, deed, deed is a component of faith.

**Аннотация.** Вера и вопросы, связанные с ней, объясняются в Коране и хадисах просто и понятно, и во времена сподвижников это не было сложным. Однако в более поздние периоды, в результате возникновения разных течений, приобщения к исламу представителей разных религий, проникновения ислама в районы распространения греческой философии, все вопросы, связанные с ней, начиная с определения слова “вера” были усложнены и подвергнуты анализу. Это, в свою очередь, создало основу для возникновения проблемы такфира.

В статье на основе анализа исследуются особенности определения веры, данное имамами Ахль Сунны, толкование хариджитов и муътазилитов, Ахль аль-Хадисом (сторонниками преданий), а также шафиитами. Также в статье рассматриваются сходства и различия между определением веры, данным учением матуридизма, и определением, данным мурджиитами. Проанализированы сходства и различия между определением веры, данным Ахль аль-Хадисом, и шафиитским определением веры.

Были сопоставлены такие вопросы, как “умножение веры”, “является ли действие составной частью веры” среди учений Матуриди и Ашари, изучены исторические аспекты этих вопросов. В целом в статье раскрываются исторические корни воззрений на веру различных течений, возникших сегодня. Также анализируются методология и этапы развития матуридских источников в освещении темы веры.

**Ключевые слова:** вера, символ веры, наука калам, исключение в вере, избыток и недостаток веры, уменьшение и увеличение веры, дело, поступок является составной частью веры.

“қалб маърифати” билан “қалб тасдиғи”ни синоним сифатида талқин қилганлар. Кейинги даврга келиб, ушбу икки ибора орасида фаркланиш юзага келган, жумладан, жаҳмийларнинг имонга берган таърифларида айни шу фаркни инобатга олиш керак бўлади. Бу аҳли сунна валжамоага мансуб олимларидан иборат бир гуруҳнинг қараши ҳисобланади.

Аҳли сунна валжамоадан ажралиб чиққан илк оқимлардан хорижийлик ҳамда мўътазилийлик намояндалари: “Имон – қалб тасдиғи, тил иқрори ва арконларга амал қилишдир”, деганлар. Хорижийлик ва мўътазилийлик оқими орасида имон таърифида бироз фарқ мавжуд. Жумладан, хорижийлар барча тоатни имон, маъсиятни эса куфр деб эътиқод этадилар. Балоғатга етган кишидан тоат ҳам, маъсият ҳам содир бўлса, у мўмин эмас, кофир бўлади деб ҳисоблайдилар. Аксарият мўътазилийлар: “Имон нафл ва фарз ибодатларнинг мажмуасидир”, деганлар. Уларнинг айримлари эса, имон фақат фарз ибодатларни ўз ичига қамраб олади, деб таъкидлаганлар (Алоуддин Усмандий, 2019). Умуман олиб қараганда, хорижийлар гуноҳи кабира қилган кишини кофир, мўътазилийлар эса, уни “байнал манзилатайн”да қолади, деб даъво қиладилар.

Муржийлик тармоқларидан шамрия<sup>1</sup>, нажжория<sup>2</sup> ва ғайлония оқимлари тарафдорлари: “Имон – қалб маърифати, тил иқроридан иборат”, деганлар (Абул Муин Насафий, 2011). Шу ўринда, “маърифат” ва “тасдиқ” сўзларига ойдинлик киритиб олиш керак бўлади. “Маърифат”нинг антоними жаҳолат ҳисобланади. “Тасдиқ” сўзининг антоними эса “инкор”дир. Киши имон ва унга тегишли нарсалар борасида маълумотга эга бўлмай ҳам имон келтириши мумкин. Бундай кишилар тақлидий мўмин деб номланадилар. Бу ҳақда кейинроқ сўз юритилади. Инсон ислом ҳақида маърифатга эга бўлиб, мўмин бўлмаслиги мумкин. Бунинг мазмуни қуйидаги оятда ўз аксини топган:

الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَعْرِفُونَهُ كَمَا يَعْرِفُونَ آبَاءَهُمْ.

**“Китоб берилганлар уни худди болаларини танигандек танийдилар”** (Бақара сураси, 146-оят).

<sup>1</sup> Нажжория – Хусайн ибн Муҳаммад Нажжор (ваф. 220/835) томонидан асос солинган ва бир неча тоифага бўлиниб кетга фирқа. Бу фирқа “Аллоҳ таолонинг сифатини инкор қилиш”, “Банда ўз феълини яратувчиси” каби масалаларда мўътазилийлик фирқаси билан ҳамфикр ҳисобланади.

<sup>2</sup> Ғайлония – Ғайлон ибн Муслим Қадарий Димашқий (ваф. 105/723) томонидан асос солинган фирқа.

Абу Ҳанифа (ваф. 150/767) “ал-Фикх ал-акбар”да: “Имон иқрор ва тасдиқдан иборатдир”, деган (Абу Ҳанифа, 2004). Олим “Васияту Аби Ҳанифа” китобида эса: “Имон тил иқрори ҳамда қалб тасдиғидан иборат. Иқрорнинг ўзи имон бўлмайди. Акс ҳолда, мунофиқларнинг барчаси мўмин бўлар эди. Шунингдек, тасдиқнинг ўзи ҳам имон бўлмайди. Шундай бўлганида, аҳли китобларнинг барчаси мўмин бўлар эдилар”, деган. Абу Ҳанифадан имоннинг таърифи борасида нақл қилинган энг машҳур сўз шу ҳисобланади. Унинг баъзи издошлари: “Имон қалб маърифати ва тил иқрори”, деганлар (Абул Муин Насафий, 2011). Бироқ улар “қалб маърифати” иборасини “қалб тасдиғи” маъносида талқин қилган бўлишлари мумкин. Жумладан, Нуриддин Собуний шундай деган: “Бизнинг асхобларимиздан аксарияти: “Имон қалб тасдиқи ва тил иқроридан иборат”, деганлар (Нуриддин Собуний, ал-Кифоя фи ал-Ҳидоя, 2014). Абу Бақр Косоний айтади: “Ҳанафий олимларидан Шамсул аимма Сарахсий (ваф. 490/1097) “Усул ас-Сарахсий” ва Фахрул ислом Паздавий (ваф. 482/1089) “Усул ал-фикх” асарларида имоннинг рукнига тил иқрорини киритиб, уни қалб тасдиғи каби имоннинг иккинчи рукни, деб билганлар” (Алоуддин Косоний, 2021). Бироқ икки олим ҳам тил тасдиғининг узрли ўринларда тушиб қолишини айтиб, уни “ҳасанун ли ғойрих” (ўзи чиройли эмас, бошқа нарса сабабли чиройли), деб қабул қилганлар. Бу бир жиҳатдан, Имом Мотуридий (ваф. 333/945)нинг “имон” таърифи борасидаги қарашини қўллаб-қувватлайди.

Ломиший бу ҳақда шундай деган: “Барча аҳли сунна уламолари: “Имон тил иқрори, қалб тасдиғи ҳисобланиб, бу қалб тилни тасдиқ қилиши билан изоҳланади. Зеро, қалб тасдиғи имоннинг ҳақиқати рўёбга чиқиши учун ҳам зарурийдир... Қолаверса, шариат ҳукмлари жорий қилиниши учун албатта иқрор шартдир”, деганлар (Ломиший, 1995).

Мулла Али Қорий бу ҳақда қуйидагиларни ёзган: “Киши қалбидаги имонни айтишга кодир бўлатуриб, унинг зиддини айтса, бу унинг эътиқоди ўзгарганига далил бўлади. Иқрор имоннинг бор ёки йўқлигини ифодаловчи имон рукни ҳисобланади. Чунончи, Шамсул аимма Сарахсий бунини очик айтган. Лекин “ал-Умда” асари муаллифи Абул Баракот Насафий: “Иқрор ҳукмларни ижро қилиш учун шарт”, деган. Бу ашъарийларнинг ҳам эътиқоди бўлиб, Абу Мансур Мотуридий ҳам айни шу эътиқодда бўлган”.

Мўътазилийлардан Бишр ибн Марисий (ваф. 217/733), Ибн Ровандий (ваф. 298/911)лар: “Имон



луғатда “тасдиқ” маъносида бўлиб, тасдиқсиз имон юзага чиқмайди. Шу боис киши мўмин бўлиши учун қалб ва тил тасдиғи шартдир”, деганлар (Абул Муин Насафий, 2011).

Басралик шоир Фазл ибн Абдуссамад Рақоший (ваф. 200/815) аҳли сунна имомларидан Абдуллоҳ ибн Саид Қаттон Қуллобий<sup>3</sup> (ваф. 240/855), ва карромийлар: “Имон фақат тил билан ҳосил бўлади”, деганлар. Бироқ улар ўртасида ихтилоф мавжуд. Жумладан, Рақоший киши мўмин бўлиши учун тил иқрори билан қалб маърифати ҳам шарт, деган. Абдуллоҳ ибн Саид ундан фарқли равишда, “Имон қалб маърифати, қалб тасдиғи ва тил иқрори билан юзага чиқади”, деган. Карромийлар эса, имон фақат тил иқроридан иборат, деганлар. Уларнинг талқинида имон келтириладиган нарсаларни қалбда инкор қилиб, тил билан уларни иқрор қилган киши мусулмон бўлади. Шунинг учун ҳам, карромийлар саҳобийлар давридаги мунофиқларни мўмин деб билганлар (Абул Муин Насафий, 2011). Улар ўз фикрларини асослаш учун “Мен одамлар “Лаа илаҳа иллаллоҳ”, деб айтмагунларича, уларга қарши урушишга буюрилдим”, деган ҳадисни далил қилиб келтирганлар.

Жаҳмийлик таълимоти асосчиси Жаҳм ибн Сафвон (ваф. 128/746) ва қадарийлар етакчиларидан бири Абул Ҳусайн Солихий: “Имон қалб маърифати”, деган (Абул Муин Насафий, 2011).

Имом Абу Ҳанифа (ваф. 150/767)нинг икки қавлидан бирида, Абу Мансур Мотуридий, муфассир Ҳусайн ибн Фазл Бажалий (ваф. 282/896), Абул Ҳасан Ашъарий (ваф. 333/945): “Имон қалб тасдиғи”, деганлар (Алоуддин Косоний, 2021). Абул Ҳасан Ашъарий имонга берган яна бир таърифи Абул Ҳусайн Солихийнинг талқинига ўхшайди, бироқ бу ашъарийлик таълимотида машҳур бўлмаган қарашдир. Абул Ҳасан Ашъарий ва унинг издошлари: “Кишининг имконияти бўлса, калимаи шаҳодатни айтиши шартдир”, деганлар.

Абу Бакр Косоний: “Қалб тасдиғи имоннинг рукни, тил иқрори борасида машойихлар ихтилоф қилганлар. Аксарият машойихлар киши соков бўлмаса, имоннинг рукни тил билан иқрор қилиш, деб таъкидлаганлар. Баъзилар эса, қалб тасдиғи имоннинг рукни, иқрор эса, унга далолат қилувчи нарсадир, деганлар. Айни шу қараш Абу Ҳанифадан ҳам ривоят қилинган. Абу Мансур Мотуридий эса, уни маъқул деб билган”, деган (Алоуддин Косоний, 2021).

<sup>3</sup> У ўз даврининг машҳур мутакаллим олимлардан бири ҳисобланиб, муржийлик тарафдори бўлган. Унинг вафоти ҳақида маълумот сақланиб қолмаган.

Абу Ҳанифа ўзининг “ал-Олим ва ал-мутааллим” асариде: “Инсонлар ўзларининг маърифати ва Аллоҳ таолони тасдиқ қилишлари билан мўмин бўладилар”, деган (Абу Ҳанифа, ал-Олим ва ал-мутааллим, 2004). Бошқа ўринда эса: “Имон тасдиқ, маърифат, яқийн, иқрор ва исломдир”, дейилган (Абул Баракот Насафий, 2011).

Абул Баракот Насафий “Шарҳ ал-Умда” асариде: “Абу Ҳанифа ва Абу Мансур талқинида ислом аҳкомларини жорий қилиш учун тил иқрори шарт”, деган (Абул Баракот Насафий, 2011). Нуриддин Собуний келтиришича, «Муҳаққиқ асҳобларимиз: “Дунёда шаръий ҳукмлар жорий бўлиши учун тил иқрори шарт”, деганлар» (Нуриддин Собуний, ал-Кифоя фи ал-Ҳидоя, 2014).

Бунга “имон” сўзининг луғавий маъносини далил сифатида келтириш билан бир қаторда, **“Рост гапирсак ҳам, (барибир) сиз бизга ишонувчи эмассиз”** (Юсуф сураси, 17-оят) ва (Фиръавн) айтди: **“Мен изн бермай туриб, унга имон келтирдингизми?!”** (Тоҳа сураси, 71-) оятларига ҳам таянадилар. Шунингдек, улар Жаброил ҳадисидаги “Имон нима?” деган саволга жавобни ҳам бунга асос сифатида келтирадилар. Ломишийга кўра, куфрнинг ўрни қалб бўлгани каби, имоннинг ўрни ҳам қалбдир. Куфрнинг рукни қалб билан боғлиқ бўлганидек, имоннинг рукни ҳам қалбга боғлиқ бўлади (Абу Сано Махмуд ибн Зайд Ломиший, 1995).

Мулла Али Қорий (ваф. 1381/1961) имоннинг истилоҳий таърифи борасида Абу Ҳанифанинг “Васияту Аби Ҳанифа” асаридан қуйидаги ривоятни келтириб, уни таҳлил қилган:

“Имон тил билан иқрор қилиш ва қалб билан тасдиқ этишдир. Иқрорнинг ёлғиз ўзи имон бўла олмайди. Чунки иқрорнинг ўзи имон бўлганида, мунофиқларнинг барчаси мўмин бўлиб қолар эди. Шунингдек, маърифатнинг ёлғиз ўзи ҳам имон бўла олмайди. Чунки маърифат, яъни тасдиқнинг ўзи имон бўлганида аҳли китобларнинг барчаси мўмин бўлиб қолар эди”.

Тасдиқ иқрорнинг зидди ўлароқ, “ҳасан либай-ниҳи” рукн ҳисобланиб, ҳеч қачон бекор бўлмайди. Иқрор эса имоннинг шarti, ёки бир қисми бўлиб, “ҳасан ли ғойриҳи”дир. Шунинг учун, баъзан мажбурлик ва узрли вақтларда бекор бўлади. Чунки тил қалбнинг таржимонидир. Демак, тил тасдиқнинг бор ёки йўқлигига далилдир. Кишининг имон келтиришга имкони бўлатуриб, тили билан бошқа калимани айтса, у кофир ҳисобланади. Мажбурлик сабабли имонни намоён қилишнинг имкони бўлмаса, у бундай вазиятда

кофир бўлмайди. Чунки ўз жонига нисбатан хавф қалбда тасдиқнинг бўлишига ҳужжатдир. Уни ушбу ўзгартиришга ундовчи нарса – этикодни ўзгартириш эмас, ўздан ҳалокатни буришга бўлган эҳтиёждир (Мулла Али Қорий, 2021).

Шамсиддин Самарқандий “имон”га берилган истилоҳий таърифда шундай деган: Муҳаққиқлар: “Имон – Расулulloҳ келтирган нарсаларни тасдиқлашдир”, деганлар. Шунинг учун ижтиҳод орқали чиқарилган ҳукмларни инкор қилган киши диндан чиқиб қолмайди (Шамсиддин Самарқандий, 2021).

### МУҲОКАМА

Юқоридаги қарашлар асосида шундай хулосага келиш мумкин, имоннинг дунёвий ва охиратга оид жиҳатлари мавжуд. Дунёвий жиҳатга имон калимасини тил билан иқрор қилишнинг ўзи кифоя қилади. Охиратга оид жиҳатга кўра, унинг етти хил талқини мавжуд. Улардан бештаси ботил таълимотларга оид бўлса, қолган иккитаси аҳли сунна валжамоага тегишлидир.

Биринчиси, хорижийлик таълимотига кўра, “Имон қалб тасдиғи, тил иқрори ва рукнларга амал қилишдан иборат”. Хорижийлик таълимотига кўра, мўмин киши гуноҳи кабира билан исломдан чиқиб, кофирга айланади. Бу ислом таълимотига мутлақо зиддир. Чунки саҳобалар, тобеинлар, салафи солиҳлар ва барча мусулмонлар “қалбида заррача ёки хардал донича имони бор киши дўзахда абадий қолмайди”, деб иттифоқ қилганлар. Шу билан бирга, улар Пайғамбаримизнинг шафоати гуноҳи кабира қилган мўминларга тегишли бўлади, деганлар. Зеро, ҳадисда “*Шафоатим гуноҳи кабира қилган (мўмин-мусулмон)ларга*”, дейилган. Бошқа ҳадисда эса, шундай дейилади: “*Имондан зарра мисқолича қалбида бўлган киши дўзахда қолмайди*”. Абу Зарр Ғифорийдан нақл қилинган ривоятда: “Зино қилса, ўғирлик қилса ҳамми?” дейилган. Бу шу нарсага далолат қиладики, гуноҳи кабирага қўл урган киши комил мўмин бўлмаса-да, белгиланган жазони олганидан кейин, албатта, дўзахдан чиқарилади.

Иккинчиси, мўътазилийлар имонга хорижийлар каби таъриф берган бўлсалар-да, бироқ мўътазилийликда гуноҳи кабира қилган киши, то тавба қилмагунича, икки манзил орасида бўлади. Уларнинг нигоҳида дўзахнинг икки даражаси орасида бир даража бор, худди имон билан куфрнинг орасида икки манзил бўлгани каби.

Ундан на холис кофир ва на холис мўмин жой олади. Балки, у гуноҳи кабира қилган кишиларнинг манзилдир.

Учинчиси, жаҳмийлар таълимотига кўра, киши мўмин бўлиши учун қалб маърифатининг ўзи етарли. Уларнинг наздида, киши мўмин бўлиши учун тил иқрори ва арконларига амал қилишга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Жаҳмийларнинг таълимотига кўра, аҳли китоблар, Ҳирақл ва Абу Толиб ҳам мўмин саналиши керак бўлади.

Тўртинчиси, муржийлар бўлиб, улар: “Имон фақат тасдиқдан иборат бўлиб, куфрга тоат таъсир қилмагани каби, имонга маъсият қор қилмайди”, деганлар.

Бешинчиси, карромийлик таълимотига кўра, имон фақат тил билан иқрор бўлишдан иборат. Уларнинг имонга берган таърифларига кўра, мунофиқлар ҳам мўмин-мусулмон бўлиб қоладилар.

Олтинчиси, Абу Ҳанифа, Имом Мотуридий, Абул Ҳасан Ашъарий ва жумҳур мутакаллимларнинг имонга берган таърифларига кўра, имон фақат қалб тасдиғидан иборат. Яъни, тил иқрори ҳукмларни жорий қилиш учун шарт бўлади. Амал эса, комил имоннинг шартидир. Бироқ, бу иккиси имоннинг таркибий қисми эмас. Бу қарашга кўра, имон яхлит нарса бўлиб, у бирор нарсадан таркиб топмаган.

Еттинчиси, уч мазҳаб имомлари ва жумҳур муҳаддислар наздида имоннинг таърифи қуйидагича: “Имон қалб тасдиғи, тил иқрори ва арконларга амал қилишдан иборат”. Бу ва ундан олдинги қараш вакиллари аҳли сунна валжамоа тоифаси дейилади. Улар орасидаги мазкур фарқ ҳақиқий эмас, балки лафзийдир. Умуман олиб қараганда, айрим аҳли сунна валжамоа уламолари имон ҳеч нарсадан таркиб топмаган десалар, бошқалари имон уч нарсадан таркиб топган, дейдилар. Яъни, ҳанафийлар ва жумҳур мутакаллимлар имон мураккаб бўлмаган нарса десалар, уч мазҳаб имомлари ва жумҳур муҳаддислар имон уч нарсадан таркиб топган, деганлар. Жумладан, Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ ҳам ўзининг “Саҳиҳи Бухорий” асарида имон уч нарсадан иборат эканига оид кўплаб далилларни жамлаган.

Уч мазҳаб имомлари ва жумҳур муҳаддисларнинг имонга берган таърифлари зоҳирий жиҳатдан мўътазилий ва хорижийларнинг таърифига ўхшаса-да, бу фақат лафзий ўхшашликдир. Бироқ моҳият жиҳатидан шофеийларнинг қарашини мўътазилийлар ва хорижийларнинг қарашидан тубдан фарқ қилади.

Чунки мўътазилий ва хорижийларда имоннинг мазкур уч унсуридан бири топилмаса, киши мўмин бўлмайди. Аниқроқ қилиб айтсак, уларнинг таълимотида амалларни тарк қилган киши абадий дўзахда қолади. Шунингдек, ҳанафий ва жумхур мутакаллимларнинг имонга берган таърифи зохирий жиҳатдан муржийларнинг талқинига ўхшаса-да, бунда ҳам фақат лафзий ўхшашлик бор, холос. Чунки икки қараш вакилларининг сўзлари бир-биридан моҳият жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Ҳанафийлар ва жумхур мутакаллимлар амални зарурий деб билиб, уни тарк қилган кишини фосиқ, деб эътироф этадилар. Муржийлар эса: “Мўминга амаллар таъсир қилмайди”, деб эътиқод қиладилар.

Имонга берилган таърифнинг зохирий ўхшашлигидан келиб чиқиб, уч мазҳаб имомлари ва жумхур муҳаддисларни мўътазилийларга ҳам, хорижийларга ҳам ўхшатиш мумкин эмас. Худди шунингдек, ҳанафий ва жумхур мутакаллимларнинг имонга берган таърифидан келиб чиқиб, уларни муржийларга ўхшатиш ҳам мумкин эмас.

Умуман олиб қараганда, ҳанафийлар имонни қалб тасдиғидан иборат деб, уни яхлит, яъни мураккаб бўлмаган нарса, деб айтадилар. Ҳанафийлар бунга далил сифатида қуйидаги оятларни келтирадилар:

إِنَّ الدِّينَ أَمْنٌ وَعَمَلُوا الصَّالِحَاتِ كَانَتْ لَهُمْ جَنَّاتُ الْفِرْدَوْسِ نُزُلًا.

**“Албатта, имон келтирган ва яхши амалларни қилганларга Фирдавс жаннати манзил бўлгандир”** (Каҳф сураси, 107-оят). Қуръони каримнинг баъзи ўринларида имонга солиҳ амал атф (боғловчи) ҳарфи билан боғланган. Араб тили қоидасига кўра, атф муғояратни, яъни отиф билан маътуфнинг бир-биридан бошқа-бошқа нарса эканини тақозо қилади. Шундай экан, амал билан имон бошқа-бошқа нарса ҳисобланади.

**“Эркагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, Биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз”** (Наҳл сураси, 97-оят).

Мазкур оятларнинг барчасида амалларни қабул бўлиши учун имон шарт қилинган. Демак, имон шарт бўлса, амал маршрут (шартга боғлиқ қилинган) нарса бўлади. Араб тили қоидасига кўра, шарт билан маршрут бошқа-бошқа нарса ҳисобланади.

Имон мавзуси доирасида тадқиқ қилинадиган масалалардан бири “Имон келтириш ақл асосида вожибми ёки нақл биланми?!” деган саволдир. Жумладан, Нуриддин Собунийнинг “ал-Бидоя” асарида шундай дейилади: “Аллоҳ таолога имон келтириш фарз, куфр келтириш эса ҳаром саналади.

Олимлар имоннинг ақл ёки нақл асосида вожиб бўлиши борасида ихтилоф қилганлар. Хусусан, ислом даъвати етиб бормаган ҳудудларда вафот этган кишининг тақдири борасида ҳам олимлар орасида турли қарашлар мавжуд. Шунингдек, цивилизация етиб бормаган ҳудудларда ўсиб, ислом етиб бормади, вафот этган кишилар узрлими ёки узрсизми? Фитратда яшаб ўтган кишилар борасидаги ихтилоф ҳам айни шундай” (Нуриддин Собуний, 1969).

Ботиний, рофизий, мушаббиха ва хорижийларнинг муҳаккималари: “Ақл ила ҳеч нарса вожиб бўлмайди. У билан имоннинг яхшилиги ва куфрнинг ёмонлиги маълум бўлмайди. Балки буларнинг барчаси шарият орқали маълум бўлади”, деганлар (Абул Баракот Насафий, 2011).

Мўътазилийлар: “Ақл имон келтиришни, неъмат берувчи Зотга шукр қилишни тақозо этади. Ақлнинг ўзи билан ҳукмлар собит бўлади”, деганлар (Нуриддин Собуний, ал-Кифоя фи ал-Ҳидоя, 2014).

Ашъарийлар: «Ақл билан бирор нарса вожиб ва ҳаром бўлмайди. Бироқ унинг воситасида айрим нарсаларнинг яхши ёки ёмон экани маълум бўлади. Имом Ашъарий наздида мукаллафга юклатилган барча ҳукмлар нақл орқали олинади. У ўзига **“Биз то пайғамбар юбормагунимизча, азобловчи бўлмадик”** (Исро сураси, 15-) оятини далил қилиб келтиради» (Абул Баракот Насафий, 2011).

Имом Абу Ҳанифа ва Имом Мотуридий: “Қулоқ эшитиладиган нарсаларни билиш воситаси бўлгани каби, ақл ҳам идрок қилинадиган нарсаларни англаш воситаси ҳисобланади. У билан айрим нарсаларнинг яхши ва ёмон экани, вожиб ва ҳаромлиги билинади. Мўътазилийлар ақлни мустақил ҳукм чиқарувчи дейдилар. Ҳанафийлар эса, ақл аслида ҳукмни ким вожиб қилувчи эканини ва Аллоҳ ҳукмларни жорий қилувчи эканини танитади, деганлар. Уларнинг талқинига кўра, расул – вожиб ва вожиб қилувчини танитгани каби ақл ҳам вожиб ва вожиб қилувчини танитади. Ҳанафийлар ақлни мустақил ҳукмни жорий қилувчи ёки инсониятни ҳидоят қилувчи сифатида эътироф этмайдилар. Балки уни фақат восита сифатида талқин қиладилар.

Ҳоким Шаҳид ўзининг “Мунтақо” асарида Абу Ҳанифадан нақл қилинган қуйидаги ривоятни келтирган: “Киши осмонлар ва ернинг, ўзининг, бошқаларнинг яратилганини кўргани учун Ўз холиқини танимаслиги узр ҳисобланмайди. Фаръий масалаларда эса, у то ҳужжат келмагунича узрли ҳисобланади”. Абу Ҳанифа: “Аллоҳ таоло пайғамбар юбормаганида ҳам махлуқотлар Аллоҳ



таолони ақллари билан танишлари вожиб бўлар эди”, деган. Бу қарашни аҳли сунна валжамоа олимлари қўллаб-қувватлаганлар. Абу Мансур Мотуридий ақлли гўдак борасида: “Балоғатга етмаган бўлса-да, Аллоҳ таолони таниши вожиб бўлади”, деган. Ироқлик ханафий мазхаби олимлари ҳам Абу Мансур Мотуридийнинг қарашларини илгари сурганлар (Нуриддин Собуний, 1969). Абу Ҳанифа ва Имом Мотуридий мазкур нуктада фикҳий масалалар билан эътиқодий масалаларни фарқлаётганини кўриши мумкин. Улар “Аллоҳ таолони таниш” масаласида барча оқил кишилар бирдек масъул эканини таъкидлаб, бу ҳақда баҳс қилганлар. Бироқ бошқа ақидавий ва фикҳий масалаларда бу мавзу кўтарилмаган.

Мотуридийлик таълимотининг айрим вакиллари “Қалам уч кишидан кўтарилган” ҳадисига биноан, гўдак балоғатга етишидан олдин ақида ва фикҳий масалаларнинг бирортасига мукаллаф эмаслигини қайд қилганлар (Нуриддин Собуний, ал-Кифоя фи ал-Ҳидоя, 2014). Бироқ иккинчи гуруҳ олимлар мазкур ҳадисни фикҳий масалаларга буриб талқин қилганлар.

XII–XIII асрларда ақидавий мазҳаблар ва оқимлар орасида “имоннинг зиёда ва камайиб туриши” мавзуси кизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган.

Абу Ҳанифа “ал-Фикҳ ал-акбар” китобида: “Осмонлар ва ер аҳлининг имони “муъману бих” эътиборидан зиёда ҳам, нуқсонли ҳам бўлмайди. Бироқ яқийн ва тасдиқ жиҳатидан кўпайиб, камайиб туради. Мўминлар имон ва тавҳидда бир-бирлари билан тенгдирлар. Амалларда эса, бир-бирларидан фаркланадилар”, деган (Абу Ҳанифа, ал-Фикҳ ал-акбар, 2004). Мазкур матндаги “Бироқ, яқийн ва тасдиқ жиҳатидан кўпайиб, камайиб туради”, деган жумла кўшилиб қолган. Чунки у асл нусхада мавжуд эмас (Ваҳбий Сулаймон Ғовжий, 1998). “Васияту Аби Ҳанифа” асарида шундай дейилган: “Имон кўпайиб, камаймайди. Чунки унинг камайиши куфрнинг зиёдалашуви билан, унинг зиёдалашуви куфрнинг камайиши билан тасаввур қилинади. Қандай қилиб бир киши бир вақтнинг ўзида ҳам мўмин, ҳам кофир бўлиши мумкин? Мўмин ҳақиқий мўмин, кофир ҳақиқий кофир бўлади. Куфрда шак бўлмагани каби имонда ҳам шак бўлмайди. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган: **“Ана ўшалар ҳақиқий мўминлардир. Уларга Раббилари ҳузурда даражалар, мағфират ва карамли ризқ бор”** (Анфол сураси, 4-оят). Бошқа бир оятда шундай дейилади: **“Ана ўшалар**

**ҳақиқий кофирлардир. Ва кофирларга хорловчи азобни тайёрлаб қўйганмиз”** (Нисо сураси, 151-оят) (Абу Ҳанифа, Васияту Аби Ҳанифа, 2004).

Ломиший бу ҳақда шундай дейди: “Биз юкорида баён қилгандек, имон иқрор ва тасдиқдан иборат бўлса, у на кўпаяди ва на камаяди. Чунки иқрор ва тасдиқ кўпаймайди ва камайишни ҳам эҳтимол қилмайди. Ким солиҳ амалларни имоннинг бир бўлаги сифатида талқин қилса: “Имон кўпайиб, камайиб туради”, деганлар” (Ломиший, 1995). Бу қарашни Ғазнавий “Усул ад-дин” асарида тасдиқлаб: “Қуръони каримда имоннинг зиёда бўлиши ҳақида келган оятларнинг бир нечта таъвили мавжуд, деган. Биринчиси, саҳобийлар мужмал тарзда имон келтириб, тасдиқлаганлар. Сўнгра, босқичма-босқич фарзлар зиёда бўлиб боргани сари, уларга ҳам имон келтириб борганлар. Натижада, тафсилий имон эътиборидан имонлари зиёда бўлиб борган. Иккинчиси, ҳар соатда имонда бардавом ва собит бўлиш – имонда зиёдалиқ саналади. Учинчиси, мўминларнинг ишончи ва ихлоси ҳар соатда зиёда бўлади. Саҳобийларга мўъжиза кўрсатилса, Расулуллоҳга, рисолатга ва ислом динига нисбатан имонлари янада зиёда бўлар эди.

Сифнокий “ат-Тасдид фи шарҳи ат-Тамҳид” асарида бу ҳақда шундай деган: “У ўзи мустақил зиёда ҳам, нуқсонли ҳам бўлмайди. Фақат имондан воз кечиш билан у нуқсонга учрайди. Имондаги зиёдалиқ эса, унинг ўзининг мисли кўшилиши билан амалга ошади. Демак, тоат билан имон зиёда бўлмайди, чунки тоат имоннинг мисли эмас... Имон Аллоҳ таоло хабар берган нарсаларни азалий тасдиқ қилиш. Шундай экан, унда зиёда ва нуқсон тасаввур қилинмайди”.

Шамсиддин Самарқандий “ас-Саҳоиф ал-илоҳия” асарида имоннинг кўпайиб, камайиши борасида салаф ва халаф уламоларининг сўзини бирма-бир келтириб: “Аслида имон кўпайиб, камайиб туради. Унинг таркибига тоат киритилиши ёки киритилмаслигининг фарқи йўқ. Зеро, қалб тасдиғи қатъий эътиқоддир. У кучлилиқ ва заифликни қабул қилади. Чунки эътиқодий масалалар оддийликдан бошланиб мураккаблашиб боради”, деган (Шамсиддин Самарқандий, ас-Саҳоиф ал-илоҳия, йили кўрсатилмаган). У ўзининг “ал-Маъориф фи шарҳи ас-Саҳоиф” асарида: “Ким бу масаланинг ҳақиқатига назар солса, имонда ўзгариш борлиғи ва у кўпайиб, камайиб туришини эътироф қилади. Бу айни шу мавзунинг сир-асрори ҳисобланади”, деган (Шамсиддин Самарқандий, 2021).

Бу Шамсиддин Самаркандийнинг ўзига хос қараши бўлиб, баъзан олимларда тутга мазхаби ва таълимотига мос бўлмаган фикрлар чиқиб туради. Бундай ҳолатларда “олимнинг фикри”, дейиш билан чекланилади.

Имоннинг кўпайиб, камайиши ҳақида Абул Муин Насафий (Абул Муин Насафий, ат-Тамҳид ли кавоид ат-тавҳид, 2006), Хаббозий (Нуриддин Собуний, 1969), Косоний (Алоуддин Косоний, 2021), Усмандийлар сўз юритишиб, имон асло зиёдалашмайди ҳам, камаймайди деганлар (Алоуддин Усмандий, 2019).

### НАТИЖА

Эътиборли томони шуки, XII–XIII асрлардаги мотуридийлик таълимотига оид манбаларда “имоннинг зиёда ва нуқсонли бўлиши” мавзуларида “ашъарийларга қарши ўларок”, деган ибора қўлланилмаган. Бироқ асар муаллифлари ушбу мавзуда айнан “шофеийларга хилофан”, деган иборани такрор-такрор келтирганларини кўриш мумкин (Нуриддин Собуний, ал-Кифоя фи ал-Ҳидоя, 2014). Бундан кўриниб турибдики, асл ашъарийлар имон камайиб-кўпайиб туради, демаганлар. Чунки улар имонга берган таърифларида амални имоннинг таркибий бир бўлаги ҳисобламаганлар. Ақидавий қоидага кўра, “ким имонни мураккаб” деса, унинг нигоҳида имон камайиб-кўпайиб туради. Кимлар имонни басит нарса дейишса, уларнинг наздида имон доимо бир хил туради.

Ашъарийлардан Имом Розий, Имом ал-Ғаззолий ва Имом Ҳарамайнлар: “Имон зиёда ҳам, нуқсонли ҳам бўлмайди”, деганлар (Абдурраҳмон Ижий, нашр йили кўрсатилмаган). Имом Розий ва кўплаб мутакаллимлар имонни зиёда ва нуқсонли бўлишини қабул қилмаганлар. Чунки тасдиқда ўзгариш юз бермайди, деганлар. Ҳусайн ибн Шихобиддин Кийлоний (ваф. 889) тасдиқнинг ўзи зиёдалик ва нуқсонни қабул қилишини айтган (Абдурраҳмон Ижий, нашр йили кўрсатилмаган).

Шайх Муҳйиддин Нававий айтади: “Бизнинг асҳобларимизнинг муҳаққиқлари: “Тасдиқнинг ўзи зиёда ва нуқсонли бўлмайди. Шаръий имон зиёда ва нуқсонли бўлади, яъни хайрли амаллар сабабли имон зиёда бўлади, акси билан нуқсонли бўлади”, деганлар”.

Имонга оид ҳадисларни қуйида таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Анас (р.а.)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (с.а.в.) хутба қилганларида: “Омонатсиз инсонда

имон, аҳдсиз кишида дин йўқ”, дедилар» (Имом Байҳақий “Шуъабул имон” асарида ривоят қилган).

Абу Умомадан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким Аллоҳ учун яхши кўрса, Аллоҳ учун газаб қилса, Аллоҳ учун берса ва Аллоҳ учун ман қилса, у имонини камол топтирибди”, деганлар (Абу Довуд, Имом Термизий ривояти).

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Омонатсиз кишида имон йўқ, аҳдсиз кишида дин йўқ. Муҳаммаднинг нафси изнида бўлган Зотга қасамки, банданинг дини тили тўғриланмагунча, тўғри бўлмайди. Унинг тили қалби тўғриланмагунча тўғри, бўлмайди. Қўшнисини бавоқиқларидан омонда бўлмаган киши жаннатга кирмайди”, дедилар. Шуда: “Эй Аллоҳнинг Расули! Бавоқиқ нима?”, деди. Узот: “Унинг зулм-ситами”, дедилар...» (Табароний ривояти).

### ХУЛОСА

Мазкур ҳадисларнинг барчасида комил имон ҳақида сўз бормокда, яъни ушбу ҳадислар “омонатсиз кишида комил имон бўлмайди”, деган маънони англатади. Мисол учун, бошқа бир ҳадисда масжиднинг қўшнисини намози фақат масжидда адо бўлади, дейилган. Ундан масжиднинг қўшнисини мабодо уйида ўқиса, намози намоз бўлмайди, деган маъно англашилмайди. Балки масжидни қўшнисини масжидда ўқимай, уйида ўқиса, намози комил бўлмайди деган маъно тушунилади. Худди шунингдек, мазкур ҳадисларни “омонатсиз кишида комил имон бўлмайди”, деб талқин қилиш лозим. Акс ҳолда, қўшнисига азият етказган ёки омонатга хиёнат қилган киши кофир бўлиши керак бўлиб қолади.

Имонга тегишли ҳадислар орасида, зоҳирий жиҳатдан муржийларнинг қарашини қўллаб-қувватлайдиган, яъни зоҳиран “имонли инсонга гуноҳ таъсир қилмайди”, деган маънони ифодаловчи ҳадислар мавжуд. Жумладан, Расулulloҳ (с.а.в.) Муоз ибн Жабалга айтган ҳадисида шундай деганлар: «Ким “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Унинг расули”, деб чин қалбдан шаҳодат келтирса, Аллоҳ таоло уни дўзахга ҳаром қилади».

Убода ибн Сомит (р.а.)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У якка-ю ягона, шериги йўқ. Муҳаммад унинг бандаси ва расули. Исо Аллоҳнинг бандаси, расули ва чўрисининг ўғли,



Марямга ташилаган калимаси ва руҳи. Жаннат ва дўзах ҳақ», деб шаҳодат келтирса, амали қандай бўлмасин, Аллоҳ таоло уни жаннатга киритади, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Имом Муслимдан қилинган бошқа ривоятда шундай дейилган: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: “Ким Аллоҳ таолодан ўзга илоҳ йўқ, Мухаммад Аллоҳнинг расули, деб гувоҳлик берса, Аллоҳ унга дўзахни ҳаром қилади”, дедилар».

Мазкур маънони ифодаловчи кўплаб ҳадислар, зоҳиран мўмин кишига амалнинг зарурати йўқ, деган маънони англатгандек туюлса-да, унинг муқобилидаги бошқа ҳадисларни ўрганиб чиқиб, “чин қалбдан имон келтирган инсон қилган гуноҳларига яраша жазо олганидан кейин, албатта жаннатга киради, у ҳеч қачон дўзахда абадий қолиб кетмайди”, деган хулосага келиш мумкин.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Абдурраҳмон Ижзий. (нашр йили кўрсатилмаган). *Ал-Мавоқиф фи илм ал-калом*. Байрут: Олам ал-кутуб.
2. Абу Сано Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. (1995). *Китоб ат-Тамҳид ли қавоид ат-тавҳид*. (Абдулмажид Туркий таҳқиқи). Байрут: Дор ал-ғарб ал-исломий.
3. Абу Ҳанифа. (2004). *Ал-Олим ва ал-мутааллим*. (Зоҳид Кавсарий таҳқиқи) Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
4. Абу Ҳанифа. (2004). *Ал-Фиқҳ ал-акбар*. (Зоҳид Кавсарий таҳқиқи) Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
5. Абу Ҳанифа. (2004). *Васияту Аби Ҳанифа*. (Зоҳид Кавсарий таҳқиқи). Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
6. Абул Баракот Насафий. (2011). *Шарҳ ал-Умда фи ақида аҳли ас-сунна*. (Абдуллоҳ Мухаммад ва Абдуллоҳ Исмоиллар таҳқиқи). Қоҳира: ал-Мактаба ал-азҳария ли ат-турос.
7. Абул Муин Насафий. (2006). *Ат-Тамҳид ли қавоид ат-тавҳид*. (Мухаммад Абдурраҳмон Шоғул таҳқиқи). Қоҳира.
8. Абул Муин Насафий. (2011). *Табсира ал-адилла фи усул ад-дин*. (Мухаммад Анвар Ҳомид Исо таҳқиқи). Қоҳира: ал-Мактаба ал-азҳария ли ат-турос.
9. Али ибн Усмон Ўший. (2011). *Бадъу ал-амалий*. (А. Пардаев таржимаси). Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси.
10. Алоуддин Абу Бакр Косоний. (2021). *Ал-Муъталад мин ал-муъталоқод*. (Энес Дурмуш Мухаммад ва Усман Дўган таҳқиқи). Истанбул: Date Published.
11. Алоуддин Мухаммад ибн Абдулҳамид Усмандий. (2019). *Лубаб ал-калом*. (Мухаммад Саъид Ўзарварлий таҳқиқи). Истанбул: Туркия диёнат вақфи нашриёти.
12. Ваҳабий Сулаймон Ғовжий. (1998). *Минаҳ ар-равз ал-азҳар фи шарҳ ал-Фиқҳ ал-акбар*. Байрут: Дор ал-башоир ал-исломия.

13. Жалолиддин Умар Хаббозий. (2006). *Китоб ал-бидоя мин ал-кифоя фи усул ад-дин*. (Одилбек таҳқиқи). Истанбул: нашриёт кўрсатилмаган.

14. Мулла Али Қорий. (2021). *Шарҳ ал-Фиқҳ ал-акбар*. (И. Абдураҳмонов таржимаси). Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси.

15. Нуриддин Собуний. (1969). *Китоб ал-бидоя мин ал-кифоя фи ал-ҳидоя фи усул ад-дин*. (Фатхуллоҳ Хулайф таҳқиқи). Миср: Дор ал-маъориф.

16. Нуриддин Собуний. (2014). *Ал-Кифоя фи ал-ҳидоя*. (Мухаммад Орутший таҳқиқи). Истанбул: Дор ибн Ҳазм.

17. Саффор Бухорий. (2011). *Талхис ал-адилла ли қавоид ат-тавҳид*. (Анжелика Бродерсон таҳқиқи). Байрут: Муассаса ар-Райён.

18. Убайдулло ибн Мухаммад Самарқандий. (1158). *Китобун аъзимун фи усул ад-дин*. Истанбул: миллет Женел Кутубхонаси.

19. Хусайн ибн Шихобуддин Кайлоний. (2011). *Шарҳ ал-Ақоид ал-азудия*. (Наззор Ҳамمودий таҳқиқи). нашр жойи: нашриёти кўрсатилмаган.

20. Шамсиддин Самарқандий. (2021). *Ал-Маъориф фи шарҳ ас-Саҳоиф*. (Абдураҳмон Сулаймон таҳқиқи). Уммон: Халқаро ислом илмлари университети.

21. Шамсиддин Самарқандий. (йили кўрсатилмаган). *Ас-Саҳоиф ал-илоҳия*. (Аҳмад Абдурраҳмон Шариф таҳқиқи). нашриёти кўрсатилмаган.

